



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Бетарафлик
ҳамма вақт ҳам
иккиланиш эмас,
у лоқайдликка
яқиндир.
Жамиятда
бетараф яшаб
бўлмайди.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 7-iyul, chorshanba, 77 (23.513)-son

Оромгоҳда ишлайдиган кишининг виждони уйғоқ, кўзи тўқ бўлиши керак

Вилоят ҳокимлигининг кеча ўтказилган санитар соатида вилоятимиздаги болалар ёғи оромгоҳларидаги ҳолат таҳлил қилинди.

Тегишли ишчи гуруҳ томонидан шу йилнинг 1-3 июль кунлари оромгоҳларда ўтказилган ўрганиш ишлари якунлари мутасаддилар иштирокида муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бугунги кунда вилоятимизда 17 та доимий болалар ёғи оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Уларда тўрт даврада 9310 нафар бола ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Айни пайтда оромгоҳларда, иккинчи даврада 2405 нафар бола дам олмақда.

Афсуски, ўрганиш жараёнида аксарият оромгоҳларда ободонлаштириш ишлари талаб даражасида олиб борилмагани, таом тайёрлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари сақлашда санитария талабларига риоя этилмаётгани кузатилди.

Жумладан, Жомбой тумани халқ таълими бўлими

тасарруфидаги “Қалдирғоч”, Иштихон туман тиббиёт бирлашмасининг “Шифокор гулшани”, Иштихон туман халқ таълими бўлимига қарашли “Қувноқ”, Самарқанд туман халқ таълими бўлимига тегишли “Учкун”, Паст Дарғом туман халқ таълими бўлимининг “Янги Ўзбекистон”, Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги “Алпомиш”, Самарқанд тумани ҳокимлигининг “Ситора” болалар дам олиш оромгоҳлари ҳудудининг ободонлаштирилмагани, тозалик ва санитария қоидалари қўпол равишда бузилаётгани танқид қилинди. Айниқса, Нуробод туман халқ таълими бўлимига қарашли “Кўшчинор” ва Пайариқ тумани халқ таълими бўлимининг “Камалак” оромгоҳлари масъуллар эътиборидан четда қолгани қайд этилиб, масъуллар нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

– Ота-оналар жондан азият фарзанди таътил вақтида дам олсин, яхши ҳордиқ чиқарсин, деб оромгоҳга олиб боради, – деди вилоят ҳокими Э.Турдимов. – Оромгоҳларда, албатта, шунга мос шароит бўлиши, бу масканларда

ишлайётганлар болаларни ўз фарзандидек кўриб, уларга ғамхўрлик кўрсатиши керак. Шу болаларнинг ўрнига ўз болангизни кўйиб кўринг, фарзандингизга қандай эътибор берсангиз, оромгоҳга келганларга ҳам шундай қарашингиз керак. Боланинг ҳақини ейишдан, унинг дилига озор беришдан қўрқингиз лозим. Бир сўз билан айтганда, оромгоҳга масъулларнинг, бу ерда ишлайётганларнинг виждони уйғоқ, кўзи тўқ, бағрикенг бўлиши керак.

– Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари якунларидан ва вилоят ҳокимининг гапларидан изза бўлдиқ, – дейди Нуробод тумани халқ таълими бўлими мудири Равшан Тўраев. – Оромгоҳларда болаларга зарур шарт-шароит яратишимиз, бунинг учун виждонимиз олдида ҳам жавоб беришимиз кераклигини англадик. Бугундан оромгоҳда туриб, кўрсатилган камчиликларни бар-тароф этишга бош бўламан. Шу ҳафтанинг ўзида барча камчиликларни тузатишга ваъда бердим.

Муҳокама якунида бир ҳафта муддатда оромгоҳлардаги ҳолат яна қайта ўрганилиши белгиланди.

16 йил илгари ёпилган ер ости йўли очилди

Самарқанд шаҳридаги Университет хиёбони Мирзо Улуғбек кўчаси билан боғловчи, пиёдалар учун мўлжалланган Алишер Навоий кўчаси замонавий кўринишга келтирилмоқда. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ва тегишли қурилиш ташкилоти ишчи-хизматчилари томонидан 1800 метр масофада қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шу кўчада жойлашган “Шарқ юлдузи” кинотеатри, ўнлаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари жорий таъмирдан қайтариляпти.

– Шаҳримиз меҳмонларининг кечаси ҳам бемалол айланиб юришлари учун ҳудудга 100 та ўриндиқ ва 1200 та тунги ёриткич чироқларни ўрнатилди, – дейди Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Олимов. – Бунёд этилаётган тўртта фавворанинг биттаси мусиқали бўлади. Йўлакларни замонавий плиталар билан қопланади.

Қарийб 1000 метр масофада яшил майдон барпо этилиб, 900 метрлик пиёдалар йўлиги ётқизилмоқда. Барча алоқа ва коммуникация тизимлари, шунингдек, электр энергия, табиий газ, ичимлик суви тармоқлари янгиланмоқда. Кўчада замонавий чойхона, кўчма савдо дўконлари барпо этилади.



– Вилоят ҳокимлигига Алишер Навоий ва Амир Темур номли кўчалар кесилмасидаги 16 йил илгари ёпилган ер ости йўлини қайта очиш таклифи билан чиқдик, – дейди қурилиш ташкилоти иш юритувчиси Ўктам Мавлонов. – Ташаббусимиз қўллаб-қувватланган, таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик. Айни кунда ер ости йўли реконструкция қилиниб, йўлакда замонавий ҳожатхона бунёд этилди. Кўчага туташ майдонда амфитеатр, чойхона, тамаддиҳоналар ҳам барпо этилмоқда. Бунёдкорлик ишлари икки ой ичида якунига етказилиб, янги қиёфадаги кўча Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Дилмурод ТЎХТАЕВ, Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

COVID-19

Юртимиздаги мавжуд эпидемиологик ҳолат инobatга олинган ҳолда, республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, вилоятимизда ҳам 18 ёшдан катта бўлган аҳолини ўзлари бириктирилган бирламчи тиббий-санитария муассасаларида коронавирусга қарши ихтиёрий равишда эмлаш ишлари олиб борилмоқда.

Самарқандда кунига 13-15 минг киши эмланмоқда

– Соғлиқни сақлаш вазирлигининг COVID-19 га чалинган ва соғайган кишилар тўғрисидаги кунлик маълумотларида Самарқанд вилоятида касалланиш ҳолатлари Тошкент шаҳри ва вилоятдан кейин юқориликка қолаётгани барчамизга яхши маълум, – дейди санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Аҳмад Бахромонов. – Шунинг учун ҳам вилоятимиздаги эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, 18 ёшдан ошган аҳолини оммавий эмлашга рухсат бериши сўраб республика комиссиясига мурожаат қилгандик ва бу масала ҳал этилди. Ўтган ҳафта иккинчи яримдан бошлаб, вилоятимизда оммавий эмлаш жараёنларига киришилди. Аҳоли ўзлари яшаб турган жойдаги бирламчи тиббий-санитария муассасаларига бориб, вакцина олмақда. Шу пайтгача эмлаш жараёнларига белги-



ланган тоифадаги кишилар жалб этилиб, вилоят бўйича кунига 5300-5500 та вакцинация ишлари бажарилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 13-15 минг кишига етмоқда. Эмлашда асосан ўзбек ва хитой олимлари томонидан яратилган ZF-UZ-VAC2001 вакцинасидан фойдаланилмоқда. Ушбу восита касалликка қарши кучли иммунитет ҳосил қилиши туфайли самараси юқори бўлаётганини мутахассисларимиз алоҳида қайд этмоқда. Бундан ташқари, юртимизда эмлаш учун рухсат берилган ва вилоятимизга ажратилаётган бошқа вакциналардан ҳам фойдаланяпти. Эмлаш жараёнлари

билан бирга вилоятда аҳоли орасида коронавирусга чалинган фуқароларни эрта аниқлаш ва даволашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқарма бошлиғининг қайд этишича, эндиликда туман ва шаҳарлардаги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлиmlари билан бирга кўп тармоқли марказий поликлиникаларда ҳам аҳоли коронавирусни аниқлаш бўйича тест топшириши имконияти яратилди. Самарқанд шаҳрида эса вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ҳамда бўлимига қўшимча иккита поликлиникада бу иш амалга оширилади.

Бундан ташқари, беморларни стационар даволаш учун ҳозир мавжуд 339 ўринли иккита махсус шифонага қўшимча равишда ўтган йил фойдаланилган 500 ўринли спорт мажмуасидан фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Камбағалларга, аввало, даромад манбаи яратилади

Вилоятда 52 минг 48 та оила “Темир дафтар”га киритилган. Мазкур оилаларнинг 231 минг 767 нафар аъзоси бор ва улардан 67 минг 500 нафар меҳнатга лаёқатли бўлса-да, иш билан таъминланмаган.

Аслида, 2020 йил апрель ойида “Темир дафтар”га 47 770 оила киритилган эди. Жойларда аҳоли билан ўтказилган мулоқотлар натижасида 4278 оила қўшимча рўйхатга олинди.

“Темир дафтар”га киритилган 4651 оила боқувчисини йўқотган, 7190 таси ногиронлиги бўлган ва 24954 таси ишсиз ва доимий даромадга эга бўлмаган оилалардир.

Шунингдек, рўйхатдагиларнинг 2 минг 368 таси кўп болали, 1 минг 704 таси хорижга кетиб оиласига даромад келтирмаётган, 6903 таси бошқа ҳар хил ижтимоий ва иқтисодий аҳоли бўйича камбағаллиги аниқланган оилалар ҳисобланади.



2-саҳифа >>>

Ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлар ахборот алмашинувига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бир пайтлар хабар етказиш учун қаптарлардан, чопарлардан, кейинчалик мактубларни манзилларига етказиб берувчи почта хизматидан фойдаланган инсоният бугун истаган одами, мамлақати, ташкилот ёки муассаса билан ўтирган жойида туриб мулоқотга киришмоқда. Бу ҳаётимиздаги чинакам инқилобий ўзгаришдир.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ қармоғига илиниб қолманг

Натижада мулоқотга, ахборот алмашинувига хизмат қиладиган ўзига хос медиа майдон, виртуал олам юзга келди ва улар аста-секин бутун дунёни қамраб олмақда. Ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қила олмайдиган даражага етиб келдик. У кундалик янгиликларни билишининг энг қулай воситасига айланди.

Ахборот алмашинувининг бу тури ҳаётимизда улкан ижобий ўзгаришларга олиб келди. Биринчи навбатда, одамларнинг вақти тежалишига эришилди. Кунлаб, ойлаб

вақт талаб қилинадиган ишлар ахборот технологиялари кўмағида дақиқаларда бажарилмоқда. Нафақат алоҳида шахслар, балки давлат миқёсидаги иш юритиш ҳам виртуал оламга ўтаётти.

Беруний Алимовнинг «Ўзбекистондаги даврий нашрлар ва умуман анъанавий ОАВдан ташқари ижтимоий тармоқларнинг бевосита ўзида ҳам Ватанимизни улғуловчи, унинг тарихи ва маданиятига эътиборли кишиларни жалланган ижтимоий гуруҳлар мавжуд. Зеро, улар ҳам ҳақон ҳақон мақонида

диёримиз обрўсини янада ошириш борасида катта хизмат қилишмоқда», деган фикрлари эътиборга молик.

Бу тармоқлардан кимлар фойдаланяпти, деган саволга бир хил жавоб бериб бўлмайди, албатта. Лекин уларнинг асосий қисми ёшлардир. Улар нафақат мамлакат миқёсидаги ижтимоий гуруҳлардан фойдаланяпти, балки дунёда кенг тарқалган тармоқларга ҳам чиқаётгани кувонарли, ҳам ташвишланарлидир.

4-саҳифа >>>

««« Муаммо аниқ, ечимичи?! »»»»

Сув муаммосини ким ҳал қилади?

Каттақўрғон тумани раҳбарлари эътиборига

Каттақўрғон туманининг Олмазор маҳалласидаги Абулқосим қишлоғида 285 хонадон 2 мингга яқин аҳоли ичимлик сувини 15 километр узоқликдаги Каттақўрғон шаҳридан сотиб олади.

Қишлоқда тоза ичимлик суви чиқариш учун қурилган сув иншоотининг бузилганига 20 йил бўлди. Абулқосимликлар шу пайтгача уни тузатиш учун учрамаган идораси, мурожаат қилмаган раҳбари қолмади. Энг қизиғи, ҳар гал уларнинг мурожаатини ҳал қилиш учун келган мутасадди ташкилотлар нуқул ваъда бериб, кейин қораси-

ни курсатмади. – Катта ҳажмда тоза ичимлик сувини чиқарадиган сув иншооти бор, – дейди меҳнат фахрийси Тўйчи Муродов. Унинг суви ширин, истеъ- молга яроқли, лекин шунча йилдан буён таъмирлаб беришларини сўраб туман ва вилоят ҳокимлиги, сув таъминоти ташкилоти раҳбарларига бир неча мартаба мурожаат қил-

дик, фойдаси бўлмапти. Наҳотки 2 минг аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқ учун битта сув иншоотини таъмирлаш шунчалик қийин бўлса. Билмадим, туман раҳбарлари бизни қишлоқ аҳолисини фаровон яшатиш учун бу муаммони қачон ҳал қилиб берад экан?! – Қишлоғимиз Каттақўрғон тумани учун ўғайми, дейман, – дейди Бекзод Омонов. – Йўللardan юриб бўлмайди, ёзда чанг, қишда лой. Одамлар ўз ҳисобидан табиий газ олиш учун металл қувурлар ўтказган, лекин табиий газ йўқ. Сув ҳақида гапирмасга ҳам бўлади. У анқонинг урғуи. Мен яшайдиган қишлоқ адоғида ичимлик суви у ёқда турсин, арик суви ҳам йўқ. Дарахларнинг, экинларнинг, чорва молларини соғориш учун ҳам суви сотиб оламан. XXI асрда яшаймизми, ўзи?

– Ҳақиқатан, Абулқосим қишлоғида аҳвол оғир, – дейди Олмазор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Отабек Саматов. – Айниқса, тоза ичимлик суви муаммоси халқни қийнаб қўйган. Сув сотиб олиш уларнинг тинқасини қуриятти. Бу масалани ҳал этиш учун вилоят ҳокимига ҳам мурожаат қилдик. Ҳоким туман сув оқова бўлими таъминоти бошлиғи Фарҳод Пирматовга бундан 6 ой олдин муаммони ҳал этишни топширганди. Орадан шунча вақт ўтса ҳам ҳеч қандай натижа йўқ. Билмадим, нима қилиш керак?

Олмазор маҳалласи Абулқосим қишлоғидаги тоза ичимлик суви муаммосига ким ва қачон ечим топади? Балки, ушбу мақолани Каттақўрғон тумани раҳбарлари ўқиб, ёрдам берад?

Азим ҚОДИРОВ.

Оммавий тадбирлар вақтинча тўхтатилди, тўйлар 50 кишилик бўлади

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ эпидемиологик барқарорликни таъминлаш мақсадида масъул ташкилотларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда, Республика махсус комиссияси томонидан очик майдонлар ёки ёпиқ мажмуаларда бўлишдан қатъий назар, юртимизда барча турдаги оммавий байрам тадбирлари, спорт мусобақалари, шунингдек, концерт, фестиваль, театр ва кино дастурлари вақтинча тўхтатилиши белгиланди.

Спорт турлари бўйича мусобақалар мук-лисларсиз ўтказилади. Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб тўйхоналарда оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни ўтказиш 50 кишидан кўп бўлмаган (яқин қариндошлар ва ушбу туман ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа қариндошлар) ҳамда санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказишга рухсат берилди.

Камбағалларга, аввало, даромад манбаи яратилади

(Давоми. Бошлангич 1-саҳифада).

ХАР БИР МАХАЛЛАНИНГ "ЎСИШ НУҚТА"СИ БОР

"Темир дафтар"га киририлган оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича қўлаб чора-тадбирлар амалга оширилиши билан бирга бу йўналишда янги тизимлар ҳам жорий этилмоқда.

Мисол учун, шаҳар ва туманлар секторларида иқтисодий комплекс ташиқлотларининг малакали раҳбар ва ходимларидан иборат 64 та "бошқарув офислари" ҳамда 1100 та маҳаллага тижорат банкларининг масъул ходимлари "доимий вакил" сифатида бириктирилди.

Президентимизнинг жорий йил 15-16 апрель кунлари вилоятимизга ташифи давомида берган топшириқларига асосан тажриба сифатида Паст Дарғом, Булунғур ва Ургут туманларида "маҳаллабай" ишлаш марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларнинг ҳар бири 9 та штат бирлигидан иборат бўлиб, 1 нафар марказ раҳбари, 4 нафар бўлим бошлиғи ва 4 нафар бўлим ходимлари тайинланди. Ҳар 3 та маҳаллага 1 нафардан инспекторлар бириктирилди. Энди ушбу марказ ходимлари ва инспекторлари бюджетдан оилак олади.

Маҳаллаларнинг тадбиркорлик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосарлари бевосита шаҳар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари тизимида ўтказилди.

Маҳаллаларда ҳар бир оиланинг ижтимоий ва иқтисодий аҳоли "Бошқарув офис"лар, доимий вакиллар ва 3 та ҳудудда янги ташкил

этилган марказлар томонидан уйма-уй юриш орқали хатловдан ўтказилди.

Шу билан бирга хатлов натижасида ҳар бир маҳалланинг аҳолиси азалдан кўникма ва бой тажрибага эга бўлган 33 та ихтисослашган йўналишлари ёки маҳаллаларнинг 1700 тадан ортиқ "Ўсиш нуқта" (драйвер)лари аниқланди.

Ишсиз фуқаролар билан индивидуал сўровнома-лар ўтказилиб, уларнинг хоҳиш-истаклари ўрганилди. Ўрганишлар натижаси асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллани ривожлантириш бўйича "Йўл хариталари" ишлаб чиқилди. "Йўл хариталари" халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларининг сессияларида муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

РЕЖАДА НИМАЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН?

Ишлаб чиқилган "Йўл хариталари"га асосан вилоят бўйича 64 мингдан ортиқ доимий даромадга эга бўлмаган оилалар, шунингдек, 132 минг 145 нафар меҳнатга лаёқатли ишсизларнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Қайд этиш лозимки, мазкур фуқароларнинг 61 минг 852 нафари 18-30 ёшдаги йигит-қизлар, 32 минг 899 нафари 30 ёшдан катта хотин-қизлардир.

Ишсиз фуқароларнинг 15 минг 155 нафарини касб-ҳунарга ҳамда 5 537 нафарини тадбиркорликка ўқитиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, "Йўл хариталари"да ҳар бир маҳалланинг ижтимоий-инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш (ички кўчаларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти

яхшилаш, табиий газ таъминоти ва суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш) ҳамда мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасаларини янгидан қуриш ва мавжудларини таъмирлаш белгиланган.

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Бугунги кунгача "Темир дафтар"даги оилаларнинг меҳнатга лаёқатли 66 минг 629 нафар аъзоларининг бандлиги таъминланди. Жумладан, 444 киши оилавий тадбиркорликка, уларнинг 154 нафари хунармандчиликка жалб этилди. Бундан ташқари, 4971 киши жамоат ишларига олинди, 6188 нафар фуқаро саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишга туширилган ёки фаолияти кенгайтирилган корхоналарга жойлаштирилди.

САМАРҚАНДА АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ

Президентимизнинг 2021 йил 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятига ташифи давомида "Маҳаллабай" ишлашда Андижон вилояти тажрибаси асосида ишларни ташкил этиш топшириғи берилган.

Шу асосда шаҳар ва туманлар сектор раҳбарлари томонидан 197 та шароити оғир маҳаллалар (жами маҳаллаларнинг 20-25 фоизгача) рўйхати шаклланди. Ушбу маҳаллаларда аҳоли кўникма ва тажриба-сидан келиб чиқиб, белгилаб олинган "Ўсиш нуқтаси" бўйича 2-3 та лидер тадбиркорлар танлаб олинмоқда.

Ҳар бир маҳаллада доимий даромадга эга бўлмаган оилалар ва улардаги меҳнатга лаёқатли ишсизлар "лидер" тадбиркорларга бириктирилиб, бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Жамшид ҲУРОҚОВ, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.

ёрдамлар кўрсатилди. Энг муҳими, жорий йилда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"даги меҳнатга лаёқатли, аммо ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, ўзини ўзи банд қилиш ва кўшимча даромад манбаини шакллантириш мақсадида 10 минг 464 нафар фуқарога 20,6 миллиард сўмлик асбоб-ускуналар тарқатилди.

"Ёшлар" жағғармаси маблағлари ҳисобидан "Темир дафтар"даги оилаларнинг олий таълим муассасаларига ўқийдиган 72 нафар фарзандининг 279,3 миллион сўмлик контракт пуллари тўлаб берилди.

Бу каби амалий ишлар натижасида халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг қарорлари билан 64 минг 764 нафар бандлиги таъминланган аъзолари бўлган 47 минг 35 та оила "Темир дафтар"дан чиқарилди.

Мазкур рўйхатда 1 июль ҳолатига 19 минг 610 нафар оила аъзоси ва 2736 нафар меҳнатга лаёқатли ишсизлари бўлган 5013 та оила қолмоқда.

САМАРҚАНДА АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ

Президентимизнинг 2021 йил 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятига ташифи давомида "Маҳаллабай" ишлашда Андижон вилояти тажрибаси асосида ишларни ташкил этиш топшириғи берилган.

Шу асосда шаҳар ва туманлар сектор раҳбарлари томонидан 197 та шароити оғир маҳаллалар (жами маҳаллаларнинг 20-25 фоизгача) рўйхати шаклланди. Ушбу маҳаллаларда аҳоли кўникма ва тажриба-сидан келиб чиқиб, белгилаб олинган "Ўсиш нуқтаси" бўйича 2-3 та лидер тадбиркорлар танлаб олинмоқда.

Ҳар бир маҳаллада доимий даромадга эга бўлмаган оилалар ва улардаги меҳнатга лаёқатли ишсизлар "лидер" тадбиркорларга бириктирилиб, бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Жамшид ҲУРОҚОВ, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.

Жорий йил 16 июнь куни Президентимиз раислигида олий таълим тизимидаги устувор ва-зифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда ёшларни билди ва малакали этиб тарбиялаш, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълим тизими изчил ривожлантирилиши, олий таълим соҳасидаги дастлабки ис-лохотлар, аввало қаровларни ошириш, институт ва университетларни молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги ҳақида айтиб ўтилди.

СамМИ халқаро сертификати олди

Бу таълим ислохотлари натижасидир



Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги 4 та устувор вазифа сифатида олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг ролини ошириш ва кафедралик ваколатларини кенгайтириш, ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун муҳит яратиш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартиришни алоҳида таъкидлади.

Марказий Осиёда энг биринчи таълим олий ўқув юртиларидан бири бўлган Самарқанд давлат тиббиёт институтини ҳам ўз вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда. 90 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган олийгоҳ соҳа учун минглаб шифокорлар, илмий ходимлар, академиклар тайёрлаб берган.

Давлатимиз раҳбарининг "Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги фармонида асосан жорий йилдан бошлаб оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда "Тиббиёт бригадалари" фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалар томонидан сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қаровини кенгайтириш вазифалари диққат эътиборимизда.

Ҳозирги вақтда институт ходимларидан иборат 8 та ишчи гуруҳи шакллантирилиб, вилоятдаги оилавий поликлиникаларга бириктирилди. Туман ва шаҳарлардаги 26 та оилавий поликлиниканинг тиббий тарихитаси ишлаб чиқилди. Аҳоли хавф гуруҳларга ажратилиши ҳамда диспансер назоратига олиниши, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббиёт бригадалари ташкил этилишининг аниқ чора-тадбирлари белгиланди.

Барча юқори курс клиник ординаторлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги тиббиёт муассасаларига жалб қилиниб, бевосита амалиёт билан шугулланишларига имконияти яратилди.

Президент фармонида асосан, ҳудудларга зарур бўлган тор мутахассислардаги шифокорларни тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан грант ажратилиши ҳамда мазкур грант асосида таълим олган битирувчиларга тегишли ҳудудга бориб, уч йил ишлаб бериш мажбурияти қўйилган. Уларнинг яшаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши назарда тутилмоқда.

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг бир қатор клиник кафедралари, жумладан, онкология, кардиология, эндокринология, хирургия, болалар хирургияси, акумули касалликлар ва тери-таълим касалликлари кафедралари вилоятдаги ихтисослашган тиббий марказларга жойлашган бўлиб,

мазкур муассасалар ўқув жараёнига методик жиҳатдан қўмақлашиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 15-16 апрель кунлари Самарқанд ташифи давомида вилоят фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, тиббий профилактика ишларини таъминлаштириш, касалликларни эрта босқичларда аниқлаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб қилиш бўйича берган топшириқлари асосида бугунги кунда вилоят ҳудудларида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Касалликлар кўрсаткичларини инобатга олиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда институтнинг хирургик касалликлар, ички касалликлар, акушерлик ва гинекология, гематология, педиатрия, травматология ва ортопедия, умумий хирургия, кўз касалликлари, анестезиология ва реанимация, оториноларингология ҳамда педиатрия факультетининг хирургик касалликлар кафедралари туман ва шаҳарларга бириктирилди, кафедраларнинг клиник базалари туман тиббиёт бирлашмаларига жойлаштирилди.

Туман тиббиёт бирлашмаларига институтнинг 418 нафар битирувчи курс талабалари бириктирилди ва уларга 15 та кафедранинг 75 аъзосидек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалар томонидан сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қаровини кенгайтириш вазифалари диққат эътиборимизда.

Ҳудудларда ўтказилаётган мақсадида скрининг ва тиббий кўрикларда ҳам профессор-ўқитувчилар талабалар билан фаол иштирок этмоқда. Ҳозирги кунга қадар мазкур тадбирлар натижасида 3-4 хавф гуруҳига мансуб, юқори технологияли замонавий тиббий ёрдамга муҳтож 87 нафар бемор аниқланди ҳамда уларга институт клиникалари ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида даволаниш учун йўл-намазалар берилди.

Туман тиббиёт бирлашмалари бўлимларида институт профессор-ўқитувчилари томонидан 67 нафар мураккаб беморлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, мутахассисларга доволаш бўйича тегишли тавсиялар берилди ҳамда 18 та кўрғазмали жарроҳлик, акушер-гинекологик ва оториноларингологик операциялар амалга оширилди.

Вилоятимиз ҳудудларида аниқланган беморлар гуруҳи тўлиқ қамраб олинди, соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилгандан сўнг, кафедра профессор-ўқитувчиларининг вилоят туманлари бўйича ротацияси амалга оширилиши белгиланди. Ушбу ротация тумандаги беморлар-

нинг мутахассислар кўриғига бўлган эҳтиёжга қараб амалга оширилади.

Бундан ташқари, вилоятимиз ҳудудида жойлашган Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида клиник базаларини ташкил этиш мақсадида Самарқанд, Сиеб, Ургут, Паст Дарғом, Иштихон, Каттақўрғон, Пахтачи техникумлари билан келишилган ҳолда уларга Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 32 та клиник кафедраси бириктирилди ва жамоат саломатлиги техникумларида талабаларнинг ўқув амалиётини ўтиши йўлга қўйилди. Ўзaro интеграция асосида жорий йилдан бошлаб Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларининг етакчи ўқитувчилари ҳам жойларда ташкил этилган клиник базаларда институт талабаларига дарс бера бошлади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг республикамизнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан ташқари Европа, Осиё ва Американинг кўплаб илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий тиббий таълим муассасалари билан алоқа ўрнатган ва меморандумлар имзолаган. Бу бизга мазкур тиббиёт муассасалар билан биргаликда илмий изланишлар олиб бориш, профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш ҳамда талабалар ва ўқитувчиларнинг академик алмашинув дастурларини кенг жорий қилиш имконини бермоқда.

Институтда 2021 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг "ERASMUS" дастури доирасида умумий қиймати 2 миллион евродан ортиқ бўлган 2 та халқаро академик грант лойиҳа, шунингдек, АҚШнинг "Smile Trend" ташиқлотининг гранти ҳисобидан стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги соҳасида илмий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Институтнинг ҳар бир талабаси олийгоҳ нуфузи ва бўлажақ шифокорлик касбидан фахрланиши ва унга муносиб бўлишини таъминлаш мақсадида "SAMMI UNION" ёшлар ассоциацияси ва "Талабалар илмий жамияти" ташкил қилинди.

Шиддат билан ривожланаётган жамиятимизда келгусида халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган қучли тиббиёт кадрлари тайёрлаш ва сифатини ошириш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласида ҳам тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Институтнинг халқаро миқёсда ўз ўрнини топиб бораётганини бугунги кунда бу ерда таълим олаётган 500 га яқин хорижий талабалар мисолида айтиш мумкин.

Келгусида институтимизда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш бўйича ҳам олдимизга катта мақсадлар қўйилган. Институт профессор-ўқитувчилари ва илмий изланувчиларига янада кенг имкониятлар яратилиб берилмоқда. Институтимиз илм-фан соҳасини кенг ривожлантириш борасида ёшларни илмий ишларга жалб этиш, илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида илмий-техник дастурлар доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар қўламини кенгайтириш, докторантурага қабул қовталарини кўпайтириш масаласи бўйича ҳам тадбирлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг давлатимиздаги олий таълим муассасалари орасида биринчи қатори халқаро ISO сертификати эга бўлди. Бу таълим жараёни халқаро стандартларга мос равишда давом эттаётгани, халқаро рейтингларга кириш имкониятимиз охиб бораётганидан далоят. Энг асосийси, бу ўзгаришлар юртимиздаги таълим ва тиббиёт тизимидаги ислохотлар натижасидир.


Жасур РИЗАЕВ, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ректори, профессор.

Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Унга кўра, 2021 йил 1 августдан бошлаб барча давлат мажбурий тўловлари, шу жумладан, божлар, йиғимлар ва жарималар онлайн тарзда, 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар автоматик равишда амалга оширилади.

Вилоятимизнинг 2020-2022 йилларда рақамли трансформация қилиш дастури, шунингдек, Қўшработ ва Нуробод туманларини рақамли трансформация қилиш бўйича йўл хариталари тасдиқланган, дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Дилмурод Хўжамбердиев. - Мазкур дастур ва йўл хариталарига асосан икки йил ичида 120 та тадбирни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ҳозиргача 78 та тадбир бўйича ишлар тўлиқ якунига етказилган. Мазкур лойиҳалар учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 2 миллиард 615 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бугунги кунгача Нуробод ва Қўшработ туманларидаги 12 та умумтаълим мактаблари учун 126 та компьютер жамланмаси ва бошқа рақамли техникалар харид қилинди. Шунингдек, "Электрон кундалик" ахборот тизими жорий этилиб, Wi-Fi ҳудудлар ташкил этилди. Ушбу туманлардаги 9 та мактабгача таълим муассасаси учун 20 та компьютер техникаси харид қилиниб, «Болалар бочаси» ахборот тизими жорий этилди. 31 та тиббиёт муассасаси учун 1 миллиард 328 миллион сўмлик замонавий компьютер ва бошқа алоқа қурилмаларини харид қилиш бўйича шартномалар тузилди. Декабрь ойига иккита туманнинг барча тиббиёт муассасаларида "Электрон поликлиника" тизими ишга туширилади.

Жорий йилнинг сентябрь ойига



Каттақўрғон, Пайарик, Нарпай ва Пахтачи туманларида рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилади. "Бир миллион дастурчи" лойиҳасига жалб қилинган 42 минг нафардан зиёд ёшларнинг 11,5 минг нафари лойиҳани муваффақиятли тамомлади.

Ҳозиргача вилоятдаги мингдан зиёд умумтаълим мактаби, 560 га яқин мактабгача таълим муассасаси, 329 та тиббиёт муассасаси, 655 та маҳалла маркази юқори тезликдаги интернет тармоғига уланди, - дейди Д.Хўжамбердиев. - Кенг полосоли оптик тармоқларни кенгайтириш лойиҳаси бўйича 173,2 минг портли кенг полосоли телекоммуникация қурилмалари ўрнатилган, вилоят бўйича портларнинг умумий сигими 335 мингга етказилди. Бу борадаги ишлар 2022 йилда якунланади. Оптик-толали алоқа линияларини қуриш лойиҳаси бўйича оптик толали алоқа кабелларининг умумий узунлиги 10 минг 615 километрга етказилди. Мобил алоқа тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш лойиҳаси бўйича 187 та база станциялари ўрнатилиб, ишга туширилди.

Жорий йил якунигача вилоятдаги барча умумтаълим мактабларида "Электрон кундалик" ягона тизими жорий этилади. 2022 йилда эса вилоятдаги барча поликлиникаларда "Электрон поликлиника" намунавий ахборот тизими жорий этилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача 336 та меҳмонхонада "E-Mehmon" тизими ишлаб турибди.

"Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»да кўзда тутилганидек

аҳолини табиий газ билан таъминлашда ҳам қулай ва арзон усулни танлаб иш олиб бораёмиз, - дейди "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали директори Олим Исақуллов. - Ҳозиргача вилоятимиз бўйича 535 минг 123 дона суюлтирилган газ баллонлари хатловдан ўтказилиб, уларга штрих-кодлар ўрнатилди. 350 мингдан зиёд суюлтирилган газ истеъмолчиларига пластик ID карталар тарқатилди. Бу истеъмолчиларда эҳтиёждан ортиқча маиший газ баллонлари борлигини аниқлашда ёрдам бериш билан бирга таъминловчилар томонидан газ баллонлар ўз вақтида алмаштирилаётганлигини назорат қилиб бориш имконини беради.

Шунингдек, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими орқали вилоятдаги 763 минг хонадонга электр ҳисоблагич, 11 минг 231 та концентратор ва 9256 та баланс ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги рақамли тараққиётга эришишга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам «Бир миллион дастурчи» ташаббуси билан замонавий мутахассислар авлодини шакллантириш орқали инновацион лойиҳаларни рағбатлантириш, рақамли иқтисодий ривожлантириш, турли тармоқлар ва соҳаларда, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш орқали рақамлаштириш жараёнларини янги даражага олиб чиқади.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

**Яхши инсонлар ҳаёти да-
вомида қилган эзгу ишлари
билан ёдда қолади. Умрини
тиббий фанини ривожлан-
тириш, беморларни самарали
даволаш ва муносиб шогирд-
лар тайёрлашга бахшида
этган профессор Исомиддин
Рустамов ана шундай инсон-
лардан бири эди.**

Исомиддин Рустамов 1936 йилда Булунғур тумани Камар қишлоғида туғилган. Унинг болалик чоғлари Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги оғир йилларга тўғри келди. У 1955 йил Самарқанд медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Ўш Исомиддин ўзи-га хос мардлиги ва ташкилотчилик қobiliяти билан тез орада институт либери талабаларидан бирига айланди. Юқори курсларда ўқиётганда жаррох-лик соҳасига қизиқиши боис хирургия клиникасининг операция хоналарида устозлардан соҳанинг сир-асрорларини

Жарроҳлар устози

қуқур ўрганди. 1961 йилда институтни битириб, Булунғур туманида врачлик фаолиятини бошлади, бир йилдан сўнг хирургия бўлими мудири, икки йилдан кейин эса туман тиббиёт бирлашмаси бош врач бўлди. – 1963 йилда Булунғур туманига ишга келганимда Исомиддин Руста-мович бош врач эди, – деб эслади меҳнат фахрийси Исрофил Муртазоев. – Ўша йилларда ўтказилган туманлар-ни йириклаштириш сиёсатига кўра, Булунғурга Ғаллаорол, Бахмал ва Жом-бой туманлари қўшилганди. Ана шун-дай катта ҳудуддаги аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш бош врач зиммасида бўлган. Исомиддин ака жисмонан бақувват, ишлаб чарчамайдиганлар тоифасидан эди. Бош врачлик билан бир вақтда хирургия бўлимида оғир беморларни операция қиларди. И.Рустамов 1964 йил Самарқанд



давлат тиббиёт институтининг хирур-гия бўйича аспирантурасига танлов асосида қабул қилинди. Аспирант И.Рустамов факультет хирургия кафедрасида касбга са-доқати, тиришқоқлиги билан устозлар ишончини қозонди. 1967 йил у номзод-

лик диссертациясини ёқлагандан сўнг кафедрада ишга қолдирилди. 1974 йилда доцент илмий унвонига эришган ёш олим навбатдаги илмий из-лашларини жигар хирургик касаллик-ларини даволашнинг самарадорлигини оширишга йўналтирди. 1980 йилда док-торлик диссертациясини муваффақият-ли химия қилди. Устозга 1982 йил профес-сор илмий унвони берилди. У 1982-1987 йилларда умумий хирургия кафедрасига, 1988-1997 йилларда факультет хирургия кафе-драсига раҳбарлик қилди. Профессор И.Рустамов Самарқанд тиббиёт инсти-тuti тарихида илмий мактаб яратган ва халқроқ микёсда танилган санокли олимлар сарасига кирди. Ўзи раҳ-барлик қилган кафедра негизидаги илмий-амалий мактабда жигар ва ўт йўллари хирургияси долзарб муаммо-ларининг ечими бўйича кенг қўламда-

ги илмий тадқиқотлар олиб борди. Унинг раҳбарлигида йигирмага яқин шогирдлари докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлади. Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари асно-сида ишлаб чиқилган янги даволаш-диагностика усуллари амалиётга мунтазам жорий қилиб борилди. Олим 500 га яқин илмий ишлар, ўнлаб моно-графиялар, ўқув-усlubий қўлланмалар, рисолалар ва ихтиролар муаллифи бўлди. – Исомиддин ака умумий хирургия кафедрасига раҳбарлик қилганида мен хирургия бўлими мудири вазифасида ишлардим, – дейди тиббиёт фанлари номзоди Аъзам Ишонқулов. – Устоз жигар ва ўт йўллари хирургияси бўй-ича етуқ мутахассис эди. Бизга янги технологияли операцияларни астойдил ўргатарди. Менга номзодлик диссертациясини бажариш учун илмий ишла-римга раҳбарлик қилган. Кўриниши-дан жиддий бўлса-да, лекин бағрикенг, қалби тоза ва кўнгли пок инсон эди. Мен ана шундай устознинг шогирди бўлганимдан доим ғурурланиб юраман.

Дарҳақиқат, И.Рустамов Бахмал тоғларининг ён бағридаги чекка қишлоқдан азим Самарқанд шаҳри-га келиб, ўзининг тинимсиз меҳнати, шижоати, мақсад сари интилувчанлиги туфайли СамДТИ етакчи профессори, жаррохлик кафедраси мудири ҳамда жигар хирургиясининг мамлакатимиз ва хорижда тан олинган йирик намоён-дасига айланди. Устоз ҳаётининг намунаси жиҳат-лардан яна бири у ниҳоятда оила-парвар инсон бўлиб, доимо фарзанд, набиралар таълим-тарбияси билан шуғулланишга алоҳида вақт ажратар-ди. Турмуш ўрғатди Санталат ая билан уч нафар фарзандини олий маълумот-ли қилиб тарбиялади. Профессор И.Рустамов ҳаёт бўлганларида айна кунларда мубо-рак 85 ёшга тўлар эди. Устознинг порлоқ хотираси шогирдлари, фар-занд ва набиралари қалбида доимо барҳаётдир. **Турсунпўлат ШОМУРОДОВ, Абдусалом АБДУҒАНИЕВ, шогирдлари.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada ikki marta - chorshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:

T/p	Балансда сақловчининг номи	Майдони (кв.м.)	Фойдаланиш мақсади	Ижарага берилаётган объект манзили
1	Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси	53,52	Соғлиқни сақлаш (массаж муолажаси)	Пахтачи тумани Сарой МФЙ
2	Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси	11,04	Сартарошхона	Пахтачи тумани Зарафшон МФЙ
3	Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси	18,87	Тикувчилик саноати	Пахтачи тумани Зарафшон МФЙ
4	Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси	10,3	Соғлиқни сақлаш (тиббий хизмат кўрсатиш)	Пахтачи тумани Зарафшон МФЙ
5	Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази	800	Жисмоний тарбия ва спорт	Самарқанд шаҳри Хасан Обиддинов кўчаси, 7-уй
6	Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази	250	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Самарқанд шаҳри Хасан Обиддинов кўчаси, 7-уй
7	Паст Дарғом туман халқ таълими бўлимига қарашли 31-умумий ўрта таълим мактаби	45	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Паст Дарғом тумани Тўрттайғир МФЙ
8	Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 149-умумий ўрта таълим мактаби	25	Чакана савдо	Ургут тумани Дўстлик МФЙ, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 8-уй, 4-сектор
9	Самарқанд вилояти боғхона бошқармаси	42,2	Хусусий ташкилотларга офис	Самарқанд тумани Қайнама МФЙ
10	Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 51-умумий ўрта таълим мактаби	16	Чакана савдо	Ургут тумани Жўраптепа қишлоғи, 2-сектор
11	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали	34,2	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Самарқанд шаҳри, Профессорлар кўчаси, 51-уй
12	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали	26,9	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Самарқанд шаҳри Профессорлар кўчаси, 51-уй
13	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали	20,8	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Самарқанд шаҳри, Профессорлар кўчаси, 51-уй
14	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали	23,75	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Самарқанд шаҳри, Профессорлар кўчаси, 51-уй
15	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали	44,65	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Самарқанд шаҳри, Профессорлар кўчаси, 51-уй
Жами		1422,23		

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: **Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси, 157-“А” уй. Тел/факс: 66-233-23-52.**

ТЕНДЕРГА МАРҲАМАТ!

«Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси тендер ўтказилаётганини эълон қилади ва иштирокчилардан Самарқанд шаҳридаги «СамАвто» МЧЖ ҚК заводи ҳудудида йиғув цехи қурилиши объекти бўйича тендер таклифларини тақдим этишни сўрайди.

Буюртмачи: «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси.
Тендер ташкилотчиси: Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази.
Лойиҳани молиялаштириш: ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.
Ишнинг буюртмачи томонидан туғалланиши белгиланган муддат: 14 ой.
Буюртмачининг белгиланган қиймати:
ҚҚС билан - 44 915 937 808 сўм,
ҚҚСиз - 39 057 337 224 сўмни ташкил қилади.

Тендерда иштирок этишлари мумкин:
- тендерда таклиф қилинган шартларда ўзининг иштирок этишини билдирган мамлакатимиз ва хорижий қурилиш ташкилотлари, корхона ва фирмалари;
- ҳуқуқий шахслар бирлашмалари – консорциумлар, агар тендер ҳужжатларида бошқа қелишувлар кўзда тутилган бўлса.

Тендерда иштирок этувчи иштирокчиларга қуйидаги малака талаблари қўйилади:
- тендер қийматидан камида 20 фоиздан кам бўлмаган ҳажмда айланма маблағ мавжудлиги, зарур ишларни (хизматларни) бажариш учун ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги;
- тендерда иштирок этишнинг кафолати сифатида 449 159 378 (тўрт юз қирқ тўққиз миллион бир юз эллик тўққиз минг уч юз етмиш саккиз) сўм ҳажмида закалат пули;
- шартнома тузишга фуқаролик ҳуқуқи ва ваколати;
- кейинги уч йилда худди шундай объектлар ва тендер ҳажмида иш тажрибаси мавжудлиги;
- тендер объектида ўз кучи билан бажарилиши мўлжалланаётган – режалаштири-лаётган ишлар ҳажми, илгари ўз кучи билан тақдим қилган ишлар ҳажми ҳақида маълумот тақдим этиш (фоиз ҳисобида).

Агар бажариладиган ишлар (хизмат) тендер билан боғлиқ бўлса фаолият қонун-чиқарма мувофиқ лицензиялаштирилиши зарур бўлади, тендерга ўрнатилган тартибда тегишли лицензияга эга иштирокчиларга рухсат этилади.
Қуйидаги ҳолатларда тендерда қатнашишга йўл қўйилмайди:

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Пайарик қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2016 йилда Уроқбоев Шахобз Хасанович номига берилган рўйхат рақами 641, К № 4261033 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пахтачи туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Остонов Акбар Бахтиёрович номига берилган О'Р-А № 1063707 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшрабат хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежидан 2015 йилда Сафарова Гулдона Беркин кизи номига берилган К № 3839933 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 55-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Мустафоев Баходир Мамарибоевич номига берилган У № 3089945 рақамли умумий ўрта таълим тўғри-



- тендер эълон қилинганга қадар таъсис этилганга 36 ойдан кам бўлса;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж аралашуви ҳолатида бўлса;
- молиявий операциялар (оффшор зоналар) чоғида, шунингдек, оффшорзонада бўлган банкда нерезидент ҳисоблари ўтказилган ҳақида, сир сақланиши кўзда тутилган ёки имтиёзли солиқ режимиши ифодаловчи ҳудуд ёки давлатларда қайд этилиши;
- масъулиятсиз ижрочилар ягона реестрида турган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд;
- тарқатилиши (бўлиниши, қўшилиши), тугатилиши ёки банкрот босқинида турган, мулкига ҳибс, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий боғлиқлик, таъсис акти билан шаклида, холдинг ва бошқа шаклларда молиявий иштирок.

Тендерга таклифлар бериш ва тайёрлаш учун зарур барча ҳужжатларга талабар тендер ҳужжатларида акс этган, шу жумладан, тўлдириш учун формалар ва намуналар. Тендер иштирокчилари буюртмачи (тендер ташкилотчиси)га лойиҳа ҳужжатлари билан танишиш учун мурожаат қилишга ҳақли, шу жумладан, ўрганиш ва тендер таклифларини тузиш учун графика қисми (чизмалар).

Тендер бўйича унга тегишли ҳужжатларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Самарқанд шаҳри Қўқсарой майдони, 2-“Д” корпус, 403-хона.
Телефон: +99866-231-32-00, +99866-231-13-51,
факс: +99866-233-50-76. Алоқадаги шахс А.Суюнов.
Буюртмачига таклифлар тақдим этишнинг охириги муддати 2021 йил 31 июль куни соат 18:00 да тугайди.

Ҳужжатлар топшириш учун манзил: Самарқанд шаҳри Қўқсарой майдони, 2-“Д” корпус, 403-хона.

Телефон: +99866-231-32-00, +99866-231-13-51,
факс: +99866-233-50-76. Алоқадаги шахс А.Суюнов.

Таклиф берилиши тендер иштирокчисининг юқоридаги материаллар билан танишганига гувоҳлик беради. Яъни, иштирокчида ишлар ҳажми, материаллар, конструкциялар ва бошқа шартлар, лойиҳада кўзда тутилган ишларнинг бажарилишига нисбатан саволлари йўқлигини билдиради.

2021 йил 2 август куни соат 16:00 да «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти маъмурий биносидан (Самарқанд шаҳри Бухорий кўчаси, 5-уй) талабгорлар таклифлари очилади.

Каттақўрғон туман иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежидан 2015 йилда Зойирова Салтанат Зоҳидулло кизи номига берилган рўйхат рақами 390, К № 3830848 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги «BOBOBEK YUNUS BOVO BALIQLARI» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306332183) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Усмонов Самандар Шерматович номига берилган УМ № 0532858 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштиқон туманидаги 82-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Тиркашова Динора Икром кизи номига берилган УМ № 0503534 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 44-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Гулямова Мавлюда Искандаровна номига берилган У № 1083324 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институту ректорати ва касаб уюшма қўмитаси институт ижтимоий фанлар кафедраси доцент Маърифат Ҳамдамовага ва шу кафедра катта ўқитувчиси Исом Ҳамдамовларга онаси **МАҲФИРАТ** аянинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Ижтимоий тармоқ қармоғига илиниб қолманг

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ташвишларли шуки, медиа майдонида пайдо бўлган ҳар бир ижтимоий тармоқ муайян бир мақсадни кўзлайди.



норози бўлиб баъзан ошкора, баъзан кино тарзида, баъзан эса диний руҳдаги фикрлар остига яширинган постлар қолдиришмоқда.

Ачинарлиси шундаки, муаллифларнинг савияси ва дунёқарашидан далолат бериб турган, саводсизларча ёзилган бу постлар нафақат ўқилмоқда, балки улар ортдан маъқуллайдиган изоҳлар ҳам қолдирилмоқда.

Бизни ўйлантирадигани бугун замон билан ҳамнафас, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларини ўз кўлига олаётган ёшлар билан бирга бу каби фикри саёз, мулоҳазаси ўзидан нарига чиқмайдиган, ким нима деса, шунга эргашиб кетаверадиган, айни пайтда, ўзининг борлигини ижтимоий тармоқлар орқали билдириб қўйгиси келадиган ёшларнинг борлигидир.

Уларда бу каби ғарзали фикрларни ўқигиша мойиллик қаердан пайдо бўлганлиги кишини ўйлантиради.

Хуллас, уларга бугун Ўзбекистон давлатчилиги, мамлакатда олиб борилаётган ишлар маъқул эмас, уни ўзгартиришни хошлашади.

тажрибанинг етишмаслиги, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш тартиби белгиланган амалдаги қонунларни яхши билмаслик сезилиб туради.

Назаримизда, улар шунчаки қизиқиш билан виртуал оламга кириб кетяпти, тармоқларда нималар ёзилганлиги билан қизиқяпти.

Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистонга, унинг раҳбариятига қарши гапираётганларни инсофга чақириш, Ҳақ йўлида эмаслигига ишонтаришга, қайта тарбиялашга уриниш самарасиз, назаримизда.

Биз ёшлар билан ишлашимиз, ишлаганда ҳам тизимли ишлашимиз керак. Таълим-тарбия билан машғул бўлиб, тирикчилик қилаётган ҳар бир зиёли бу борада иш услубини янгилаши зарур.

Бу ёшлар йўқотилган ёшлар эмас. Уларни бу йўлдан қайтариш, эзгулик йўлида тарбиялаш мумкин.

Забитнисо РАҲМОНОВА, СамДУ ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, Суюн КАРИМОВ, СамДУ профессори.

Давлатимиз раҳбарининг "Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарорига кўра, эндиликда ҳар йили 28 сентябрь – 3 октябрь кунлари "Ипак йўли дурдонаси" кинофестивали ўтказилади.

Кинофестивалга Самарқанд ҳам ҳозирланмоқда

Айтиш мумкинки, қарийб 24 йилдан буён ўтказилмаган кинофестивалнинг қайта йўлга қўйилиши маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Жорий йилда кинофестивалга хориждан 355 нафар (уларнинг 55 нафари таниқли киноюлдузлари) иштирокчи тақлиф қилиниши кўзда тутилган.

Шу ўринда бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Охирги йилларда вилоятимизда кино соҳасида кўзга кўринarli қандай ишлар амалга оширилди? Самарқанд буюқ тарихий шахслар, илм-фан, маданиятга улкан ҳисса қўшган алломалар шахри.

Шунингдек, буюқ муҳаддис Имом Бухорий, пахтачилик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Қудрат Сууюнов ҳақида фильмлар суратга олинади.

Вилоятимиздаги кинозалларнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ва Уста Умар Жўрақулов кўчаларида замонавий 6 та кинозал қурилади.

Қорасув массивида эса икки қаватли замонавий кинотеатр қурилмоқда. "Vendo Group" компанияси Нуробод туманидаги 160 гектар майдонда АҚШнинг "Daha USA Group" ва Хитойнинг "Yiwu Compass Trading" компаниялари билан ҳамкорликда барча қулайликларга эга бўлган "Кино шаҳар" қуришни режалаштирган.

"Ипак йўли дурдонаси" Тошкент халқаро кинофестивали шу каби ишларнинг янада тезлашишига хизмат қилади.

Фармон РОЗИҚОВ, Республика кинематография агентлиги вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи в.б.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2011 йил, январь

1 январь ҳолатида аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 385,8 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 57,3 минг сўмга ошган.

март

5 март куни вилоят ҳокими З.Мирзаевнинг қарорига кўра, Акбар Шукуров Самарқанд шаҳар ҳокими этиб тайинланди.

апрель

Ўтган йилнинг биринчи чорагида вилоятда: - ялли худудий маҳсулот 15 фоизга ўсди. Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,8 фоизга, қишлоқ ҳўжалиғи 5 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 69,5 фоизга, чакана савдо 16,2 фоизга, жами хизматлар 13,4 ва пуллик хизматлар 15,0 фоизга ошди; - ялли худудий маҳсулот таркибиде кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 63,2 фоизга етди.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС



Ўртимизда иқтисодий тармоқлар амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда молия муассасаларининг ўрни муҳим ҳисобланади.

Банклар томонидан кўрсатилаётган жаҳон стандартларига жавоб берувчи сифатли хизмат ва мижозларга ажратилган кредит маблағлари кўплаб истикболли лойиҳаларни амалга ошириш, янги иш ўринларини кўпайтиришга имкон беради.

Филиалнинг корпоратив мижозлари асосан ўз фаолиятини кенгайтириш учун кредит олиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ҳамда ускуналар лизинг хизматларидан фойдаланмоқда.

Шу жумладан, 47 та кичик бизнес субъектлари молиялаштирилди.

Банкимиз Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиль, мебель, маиший техникалар сотиб олишни истаган ҳар бир кишига кредит ажрати беради.

"ASIA ALLIANCE BANK" IT-технологиялар асосида ўз хизматлари ва маҳсулотларини тақлиф қилиб келмоқда.

Энди банк мижозларига "Корпоратив Интернет-банк иши" бўлимида қўшимча функцияларни тақлиф этади, яъни иш ҳақи ва бошқа тўловларни "Uzcard", "Humo" тизимлари орқали ҳодимларининг пластик карталарига юклаш ва автоматик тўловни амалга ошириш имконияти яратилди.

Истеъмолчиға тақдим этилаётган янгиликлардан бири - бу нақд пулни банк ҳисобварағига қабул қилиш ва ҳисобга олиш жараёнларини автоматлаштиришга имкон берадиган автоматлаштирилган депозит машинаси (АДМ) қўлланилаётганидир.

Хусусий мижозлар Android ёки iOS операцион тизими орқали интернетга уланган телефон ёрдамида хизматларини олиш имкониятини берувчи "MyAlliance" мобил иловаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, "MyAlliance" дастури орқали сиз солиқ қарзларини тўлаш, СТПРни аниқлаш, телефон ва мобил алоқа, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширишингиз мумкин.

Аҳоли учун замонавий чакана хизматларни жорий этиш банкимиз стратегик йўналишларидан биридир. Хусусан, биз жозибадор фозис ставкалари билан 10 та миллий, 9 та чет эл валютасида бўлган 19 турдаги омонатларни тақлиф қиламиз.

"ASIA ALLIANCE BANK" ўз олдига ишончли шериклар ва мижозлар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли муносабатларини ўрнатишни мақсад қилиб қўйган.

Бахтиёр МУСАЕВ, АТБ "ASIA ALLIANCE BANK" Самарқанд филиали бошқарувчисининг ўринбосари.

Хизматлар лицензияланган.

«ИПАК ЙЎЛИ» акциядорлик инновация тижорат банки

Мижозларимизга қулай хизмат ва совғалар тақлиф этамиз

"Ипак йўли" акциядорлик инновация тижорат банки жамоаси кўп йиллардан буён вилоятимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва турларини кўпайтириш билан бирга янги иш ўринлари яратиб, ишбилармонларға молиявий кўмак бериб келмоқда.

Молия муассасамизда ишбилармонликни рағбатлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш билан чекланиб қолмасдан мижозларға банк хизматлари кўрсатишда бир қатор қулайликлар яратилмоқда.

Жумладан, банкнинг мобил иловаси орқали мижоз коммунал тўловлар, шартнома тўловларини, бюджетга барча тўловларни (солиқ, жарима) тўлаши ва шахсий ҳисоб-рақам қолдиғини текшириб туриши мумкин.

* «Ипак йўли» банки миллий тўлов карталари ўртасидаги ўтказмалар - бепул! * Халқаро Visa карталар ўртасида дунёнинг барча давлатлари карталарига чет эл валютасида ўтказмалар амалга ошириш имконияти яратилди.

* Банкда чиқариладиган исталган картаға масофадан мобил иловада АРЗОНРОҚқа буюртма бериш, банкка келмасдан Visa, Master Card, Uzcard ҳамда Humo карталари учун мобил илова орқали буюртма бериш мумкин. Бу карталар банк томонидан етказиб берилади.

* "Ипак йўли банки" миллий тўлов карталарига ўзингизга ёққан дизайнда буюртма беришингиз мумкин.

* Чекланмаган миқдорда халқаро тўлов карталарига конверсия, яъни чет эл валютасини сотиш ёки сотиб олиш амалиётларини амалга ошириш имконияти бор.

* Маблағ зарур бўлганда 2 дақиқада ҳамёнингизға кирим қилинадиган онлайн-микроқарз хизматидан фойдаланиш мумкин.

Халқаро тўлов карталарингизға "Золотая Корона" халқаро пул ўтказмаларини бир зумда кирим қилиш мумкин. Бунинг учун ўтказмани юборётган шахс Сизнинг мобил рақамингизни кўрсатган бўлиши лозим.

Халқаро тўлов карталарингизни лозим даражада ҳимоя қилиш ҳам мумкин. 3D-secure хизмати: интернет тўловларини амалга ошираётганингизда ишлатиладиган қўшимча код ўрнатиш лозим.

Мобил илова орқали карталарнинг кодларини ала-

маштириш, уларни блокка қўйиш ҳамда блокдан чиқариш хизматлари мавжуд.

Бундан ташқари, мобил иловада NFC тўлов хизмати мавжуд бўлиб, унда телефон орқали картасиз тўловларни амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, боз банкимиз томонидан ўтган йилдан бошлаб мижозлар хоҳишиға кўра пластик карталарга индивидуал дизайн асосида унинг сурати ёки бошқа сурат жойлаштириш хизмати йўлга қўйилди.

Bankimиз томонидан мижозларға янада қулай хизматларни тақлиф этиш учун Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида 27 та (16 та Humo, 11 та Uzcard) банкومات ўрнатилган.

Uzcard банкوماتларимиз орқали миллий сўм карталарни тўлдириш амалиёти мавжуд ҳамда Humo банкوماتларимиз орқали халқаро «Ипак йўли» банки карталарини чет эл валютасида тўлдириш имконияти бор.

Bankimиз томонидан яна бир қулайлик сифатида банк биноси ва Самарқанд шаҳридаги "Ипак йўли буюм бозори", Эҳтиёт қисмлар бозорида АДМ қурилмаси ўрнатилди.

Ютуқли йўллар банкнинг Instagram саҳифаси орқали жонли тарзда ўтказилади. Фақатгина терминал орқали ўтган ва интернетдаги харидлар хизмати олинади.

Хирожиддин СИРОЖҚУЛОВ, "Ипак йўли" АИТ банки Самарқанд филиали бошқарувчисиси.

Хизматлар лицензияланган.

Zarafshon SAMARQANDSKII VESTNIK

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 12 521 nusxada chop etildi. Buyurtma 486. Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56. BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi. Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy, Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G. HASANOV. Navbatchi: T. SIDDIQOV. Sahifalovchi: B. ABDULLAYEV. Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X. 9 772 010 667 009